# Мурожаатлар тингланди, ижросига масъуллар ва чора-тадбирлар белгиланди

Бугун ҳақта аввалида туман ҳокимлиги биносида навбатдаги қабул бўлиб ўтди. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Шуҳрат Қаландаров раҳбарлигида ўтказилган қабул давомида 17 нафар фуқаронинг йигирмадан ортиқ мурожаати тингланди.

Ташкилот ва корхоналар масъуллари билан мурожаатлар ижросига ечим изланди. Ҳар бир мурожаат батафсил тингланиб, мутасаддилар томонидан жавоблар берилди. Ижроси муддат ва қўшимча ўрганиш талаб қиладиган мурожаатлар масъулларга йўналтирилиб, назоратга олинди.